

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ  
КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Тожибоева Шаҳноза Анваровна** -  
ТДИУ “Иқтисодий таҳлил ва аудит”  
кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди  
**Махкамбоев Комил Абдулхақович** -  
ТДИУ, “Молия ва бухгалтерия ҳисоби”  
кафедраси катта ўқитувчиси  
**Ташпулатова Гулбахор Баходировна** -  
ТДИУ, “Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси ассистенти

**Аннотация.** Мақолада корхона иқтисодий салоҳиятини айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари таҳлилининг иқтисодий мазмуни ва асосий жиҳатлари ёритилган. Бу борада айланма маблағлардан самарали фойдаланиш таҳлили асосида корхона иқтисодий салоҳиятини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** иқтисодий салоҳият, айланма маблағлар, мавжуд ўзига қарашли айланма маблағлар, ишчи капитали, соф активлар, иқтисодий самарадорлик, молиявий барқарорлик

АНАЛИЗ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА СВЯЗАННЫЕ С  
ОБОРОТНЫМИ СРЕДСТВАМИ

**Тожибоева Шаҳноза Анваровна** -  
Доцент кафедры “Финансовый анализ и аудит”, ТГЭУ  
**Махкамбоев Комил Абдулхақович** -  
старший преподаватель кафедры  
“Финансы и бухгалтерский учет”, ТГЭУ,  
**Ташпулатова Гулбахор Баходировна** -  
Ассистент кафедры “Экономический безопасность”, ТГЭУ

**Аннотация:** В статье рассматриваются экономическое содержание и основные аспекты анализа показателей экономического потенциала связанные с оборотными средствами предприятия. Обсуждаются увеличение экономического потенциала и обеспечение финансовой устойчивости предприятий на основе анализа эффективного использования оборотных средств.

**Ключевые слова:** экономический потенциал, оборотные средства, наличие собственных оборотных средств, рабочий капитал, чистые активы, экономический эффективность, финансовая устойчивость.

THE ECONOMIC CONTENT AND THE OF THE ANALYSIS OF INDICATORS  
OF ASSOCIATED WITH WORKING CAPITAL

**Tojiboeva Shakhnoza Anvarovna** -  
Associate professor “Financial analysis and audit”, TSUE,  
**Makhkamboyev Komil Abdulkhakovich** -  
Senior Lecturer department of “Finance and accounting”, TSUE,  
**Tashpulatova Gulbakhor Bakhodirovna** -  
Assistant “Economic security”, TSUE

**Abstract:** The article discusses the economic content and the main aspects of the analysis of indicators of economic potential associated with working capital of the enterprise. They discuss the increase in economic potential and ensuring the financial stability of enterprises based on the analysis of the effective use of working capital.

**Keywords:** economic potential, working capital, availability of working capital, working capital, net assets, economic efficiency, financial stability.

**Кириш.** Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш шароитида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигини оширишда уларни иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар баланс актив қисмида акс эттирилиб, уларнинг мол-мулки таркибини ўр-

ганиш соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради.


Корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда унда содир этиладиган иқтисодий жараённи тўлиқ таъминлайдиган барча моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда номоддий активлар тушунилади. Корхона иқтисодий салоҳияти таркибида айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосий ўринни эгаллайди. Айланма маблағлар энг муҳим моддий асос

бўлиб, корхона фаолияти бевосита уларга боғлиқдир. Чунки корхона фаолиятини амалга оширишда хом ашё ва материаллар, пул маблағлари ва бошқа айланма маблағларни шакллантиргандан сўнггина иш бошлайдилар. Корхоналарни айланма маблағлар билан ўз вақтида ҳамда бир маромда таъминланиши, улардан самарали фойдаланишини таҳлил қилиш натижасида иқтисодий самарадорлигини ошириш, молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон бўлади. Таҳлил натижаларидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқариш айланмасига жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилади. Турли мулкдаги корхоналарнинг фаолиятлари айланма маблағларга бевосита боғлиқдир. Ушбу маблағлар улар ташкил қилинганидан эътиборан фойдаланилади ва кўпайтириб борилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Хўжалик субъектларида иқтисодий салоҳият таҳлилини такомиллаштириш масалалари республикамиз ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иқ-

тисодчи олимларининг илмий ишларида кенг кўламда ўрганиб чиқилган. Мазкур тадқиқотларда иқтисодий салоҳият таҳлилининг умумметодологик асосларига таянган ҳолда айрим муаммолар, ташкилий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Иқтисодчи олим М.Қ. Пардаевнинг[8] фикрича: “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда унда содир этиладиган иқтисодий жараёни тўлиқ таъминлайдиган барча моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда номоддий активлар тушунилади”. Иқтисодий салоҳият таркибини кўйидаги 1-расмда кўриш мумкин.


Таҳлил жараёнида айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммонинг ҳал қилинишида олимлар бир тўхтамга келишган. Яъни, айланма маблағларни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни тавсия қилинмоқда. Аммо қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш ва уларни таснифлаш бўйича олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд. Айрим дарсликларда[9] баъзи қисмларидагина “Корхона активлари таҳлили” қисқа қараб чиқилган.



1-расм. Корхона иқтисодий салоҳиятининг таркиби [8]

Айрим тадқиқотчилар айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларни учга бўлиб ўрганишни тавсия қиладилар. Масалан, “Иқтисодий таҳлил”[8] ўқув қўлланмасида айланма

маблағларни баҳоловчи кўрсаткичлар унинг ҳолатини, таъминланганлиги ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга бўлинган (2-расм).



2-расм. Айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

*Манба:* Муаллиф томонидан адабиёт асосида тузилди.

Кейинги йилларда чоп этилган, бевосита корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашга бағишланган иқтисодий адабиётда [5] ҳам ушбу масала назардан четда қолган. Бевосита молия-

вий таҳлилга бағишланган адабиётларда ҳам айланма маблағларин ифодаловчи кўрсаткичларга кам эътибор берилган. Табиийки, бундай

ёндошиш қўйилган муаммонинг тўлиқ ҳал бўлиши учун етарли эмас.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада корхонанинг иқтисодий салоҳиятни айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили ва уни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди. Илмий мақолада анализ, синтез, гуруҳлаш, таққослаш ва коэффициент усуллари қўлланилган. Хусусан, айланма маблағлар билан боғлиқ иқтисодий салоҳият кўрсаткичлар таҳлилида диалектик билиш усуллари - анализ ва синтездан фойдаланилади. Мазкур усуллар иқтисодий салоҳият, жумладан айланма таркибини таҳлил қилишда, таҳлил натижаларини умумлаштиришда қўлланилади. Анализ ва синтез усули таҳлил жараёнида биргаликда ҳаракат қилади. Таққослаш усули корхона фаолиятини таҳлил қилишнинг энг асосий усули бўлиб, ундан иқтисодий салоҳият таҳлилида ҳам фойдаланилади. Чунки таққослаш асосида баҳолаш учун қўлланиладиган ҳар бир кўрсаткич, ҳар бир рақам, назорат ва прогноз худди шундай кўрсаткич билан таққослагандагина аҳамиятли ҳисобланади. Таққослаш натижасида айланма маблағлар бўйича бизнес режанинг бажарилиши даражаси ва сифати, ўзгариши, салмоғи, ўсиш суръати аниқланади, уларни тизимли назорат қилиш ва ҳар томонлама баҳолаш имкони бўлади. Гуруҳлаш айниқса иқтисодий салоҳият таҳлилида кенг қўлланиладиган усул ҳисобланади. Чунки иқтисодий салоҳият билан боғлиқ айланма маблағлар таркибини гуруҳлаш асосида уларнинг хусусиятлари, асосий жиҳатларини эътиборга олинган ҳолда таҳлил қилиш жараёни сифатини ошишига имкон беради. Коэффициентлар усули эса иқтисодий салоҳият таҳлилида қўлланиладиган асосий усул ҳисобланади. Чунки коэффициентлар усули асосида иқтисодий салоҳият таркибига таъсир қилувчи омилларнинг бир-бирига нисбати даражасини баҳолаш имкони бўлади.

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодий салоҳият ҳолати таҳлил қилинганда айланма маблағларнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришларга алоҳида аҳамият бериш лозим. Айланма маблағлар таҳлилининг мазмуни, унинг олдига қўйилган вазифаларидан келиб чиқади. Айланма маблағлар таҳлилининг мазмуни, унинг олдига қўйилган вазифаларидан келиб чиқади. Таҳлилда ашёвий ресурслар билан корхонанинг таъминланганлик даражасига, улардан самарали фойдаланишнинг ҳолатига, маҳсулот ҳажмини ўстиришда ашёларни тўғри бошқаришнинг аҳамиятига, ашёвий ресурсларни иқтисод қилиш юзасидан ички имкониятларни белгилаш ва йўлга қўйишга муҳим аҳамият берилади. Айланма маблағлар таҳлилининг асосий мақсади - айланма капитални бошқаришда йўл қў-

йилган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, улардан интенсив ва самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлашдан иборат.

Айланма маблағлар тузилмасини таҳлили шуни кўрсатадики, корхонанинг молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан маблағларни айланиш босқичлари жараёнларини оптимал жойлаштиришга боғлиқ. Ишлаб чиқариш айланма фондлари ўз таркибига ишлаб чиқариш захираларини, пул маблағларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг бир сиклида фойдаланилади ва қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархига тўлиқ ўтказилади. Ишлаб чиқаришда ҳам асосий, ҳам айланма маблағларни борлиги, ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Айланма маблағлардан самарали фойдаланилса, маҳсулот таннархи камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади. Лекин корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлил қилинганда, фақат бир муаммо - айланма маблағларни айланиши билан корхоналарни молиявий ҳолати ўртасидаги алоқа таҳлил этилади, чунки айланма маблағларни айланишини ўзгариши корхоналар молиявий ҳолатига бевосита ва миқдоран таъсир кўрсатади. Ундан ташқари амалиёт шуни кўрсатадики, айланма маблағларнинг айланиши сусайган вазиятда ҳам корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ижобий ва аксинча, айланма маблағларнинг айланиши тезлашган бўлса, корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ёмонлашган бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш корхоналарини амалиёт талабига мослашишига таъсир қилувчи муҳим омиллар қаторида уларни айланма маблағлар билан таъминланганлиги, фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш усуллари такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Чунки, айланма маблағлар ҳаракатини таҳлил қилиш хўжалик фаолиятини ривожланишини таъминловчи муҳим тадбирлардан биридир. Корхоналарнинг айланма маблағлар билан ўз вақтида, зарурий миқдорда, белгиланган сифатда ҳамда бир маромда таъминланганлиги, улардан рационал фойдаланиш пировардида унинг иқтисодий ривожланишига ва тараққий этиши учун ҳар томонлама таъсир этади.

Хўжалик субъектларининг иқтисодий салоҳияти таҳлил қилинганда баланс бўйича айланма маблағларни унинг тузилмаси аниқланади ва ўзгаришлар ўрганилади, маблағлар қанчалик тўғри жойлаштирилганлиги аниқланади ва корхона молиявий аҳволига дастлабки баҳо берилади. Таҳлил жараёнида дастлаб айланма маблағлар таркиби ва тузилишига баҳо бериш лозим ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги жадвални келтирамиз (1-жадвал).

“ABC” акциядорлик жамияти айланма маблағлари таркиби таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгаришлар	
	Сумма, м.с	Улуши, %	Сумма, м.с	Улуши, %	Сумма, м.с	Улуши, %
Айланма маблағлар, жумладан	166638743	100	289449769	100	+122811026	-
Товар-моддий заҳиралар	60547411	36,33	213126944	73,63	-152579533	+37,3
Дебиторлар	104695681	62,83	72303305	24,98	-32392376	-37,85
Пул маблағлари	1172695	0,70	3824098	1,32	+2651403	+0,62
Қисқа муддатли инвестициялар	204422	0,12	195422	0,07	-9000	-0,05

Манба: “ABC” АЖ молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “ABC” акциядорлик жамияти айланма маблағлари йил охирида 289449769,00 минг сўмни ташкил қилиб, 122811026,00 минг сўмга ошган. Унинг таркибида товар-моддий заҳираларнинг улуши 2018 йил бошида 36,33 фоизни, охирида эса 73,63 фоизни ташкил қилган. Корхонада айланма маблағлари таркибида дебиторлик қарзларининг салмоғи йил бошида 62,83 фоиз, йил охирида эса 24,98 фоизни ташкил қилган ҳолда, 37,85 фоизга камайган. Дебиторлик қарзлари ҳажмининг юқорилиги унинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. “ABC” акциядорлик жамияти айланма маблағлари таркибида пул маблағларининг салмоғи йил бошидаги 0,70 фоиздан йил охирига келиб 1,32 фоизга кўтарилган. Жамиятда қисқа муддатли инвестицияларнинг улуши айланма маблағлар таркибида сезиларли эмас, яъни мутаносиб тарзда 0,12 ва 0,07 фоизни ташкил қилади. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, корхонада йил бошида жорий айланма маблағ-

лари таркибида дебиторлик қарзларнинг улуши етакчи ўринни эгаллаган бўлса, йил охирига келиб товар-моддий заҳираларнинг салмоғи етакчи ўринга эга бўлди.

Ҳўжалик субъектларининг айланма маблағлари таҳлил қилинганда баланс бўйича ўзига қарашли айланма маблағларнинг мавжуд суммаси аниқланади ва улар билан қай даражада таъминланганлигига баҳо берилади. Хорижий мамлакатларда ўз айланма маблағлари «Ишчи капитали»[6] деб аталади. Ҳисоб-китобларга кўра ўз айланма маблағлари моддий қийматликлардаги айланма маблағларидан ортиқ бўлса ҳам, амалда уларни етишмаслик ҳоллари кўп корхоналарда учрайди. Масалан, ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот қолдиқларини меъёрдан ортиб кетиши, муддати ўтган дебиторлик қарзларини ортиши айланма маблағларини мавжуд суммасини камайишига олиб келади. Таҳлил учун 2-жадвални ҳавола қиламиз.

“ABC” акциядорлик жамияти мавжуд ўзига қарашли айланма маблағлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Фарқи (+,-)
	А	1	2	3
1.	Ўз маблағлари манбалари (1 ш. 480 сатр)	119965378	72348385	-47616993
2.	Узоқ муддатли кредит ва қарзлар (1 ш. 570,580 сатрлар)	21750000	10100000	-11650000
3.	Жами манбалар (1 қ+2қ)	141715378	82448385	-59266993
4.	Узоқ муддатли активлар (1 ш. 130 сатр)	105941390	100595977	-5345413
5.	Ўз айланма ва унга тенглаштирилган маблағларни мавжуд суммаси (3 қ – 4 қ)	(+)35773988	(-)18147592	-17626396
6.	Моддий айланма маблағлар (товар-моддий заҳиралар) (1 ш. 140 сатр)	60547411	213126944	-152579533
7.	Ўз айланма маблағларнинг ортиқчаси (+), етишмаслиги (-) (5 қ-6 қ)	(-) 24773423	(-) 194979352,00	+170205929,00
8.	Моддий айланма маблағлар қоплаш коэффиценти (5 қ x100 :6 қ), %	59,08	8,51	-50,57

Манба: “ABC” АЖ молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

2-жадвал маълумотларидан кўринишича, “ABC” акциядорлик жамияти ўз мавжуд айланма ва унга тенглаштирилган маблағлари йил бошига 35773988 минг сўмни, йил охирига келиб эса 18147592 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, 17626396 минг сўмга камайди. Корхонада ўз айланма маблағларининг етишмаслиги йил бошида 24773423 минг сўмни ташкил қилган бўлса, йил охирига келиб 194979352 минг

сўмдан иборат бўлди. Демак, корхонада йил бошида заҳира ва харажатларнинг 59,08 фоизи ўз айланма маблағлари билан қопланган, 40,92 фоизи эса четдан жалб қилинган қарз маблағлари ҳиссасига тўғри келади. Йил охирида эса заҳира ва харажатларнинг 8,51 фоизи ўз айланма маблағлари билан қопланган бўлса, четдан жалб қилинган қарз маблағларнинг ҳиссаси 91,49 фоиздан иборат бўлди.

Корхоналарни ўз айланма маблағларини мавжуд суммаси ва улар билан таъминланиши таҳлилида соф айланма активларни ҳам аниқлаш муҳим ҳисобланади. Жорий ликвидлик коэффицентининг даражаси кўп жиҳатдан заҳираларни ташкил этиш манбалари узоқ муддатли мажбурият ва корхонанинг ўз капиталига боғлиқ. Унинг даражасини ошириш учун ўз капиталини манбалар билан тўлдириш, активлар ва дебиторлик қарзлар ўсишини турғун ҳолда сақлашдан иборат. Мазкур кўрсаткичдан корхона активи ликвидлигини баҳолаш ва узоқ муддатли истиқболда тўловга қодирлигини аниқлашда фойдаланиш тавси қилинган. Айланма активларини қисқа муддатли мажбу-

риятлардан икки маротаба ортиқ бўлиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолатини барқарор ўсиши учун замин яратади. Бунинг натижасида ишчи капитали ёки “Соф айланма активи” шаклланади. Ишчи капитали ликвид резервлари ҳисобланиб, қутилмаган ҳолларда вужудга келадиган пул тушумлари ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги узилишлар туфайли вужудга келадиган ҳаражатларни қоплашга сарфланади. Соф ишчи капитали соф активнинг бир қисми, банк-кредиторлар учун банк кредитини корхона қайтара олмаган ҳолларда ундан гаров сифатида фойдаланадилар. Таҳлил учун қуйидаги 3-жадвални тузамиз.

3-жадвал

“ABC” акциядорлик жамияти соф айланма активларини ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши (+,-)
1.	Айланма активлари	166638743	289449769	+122811026
2.	Жорий мажбуриятлар	130865295	307597361	+176732066
3.	Соф айланма активлар (1қ - 2қ)	(+) 35773448	(-) 18147592	-17626396

*Манба: “ABC” АЖ молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.*

3-жадвал натижасига кўра “ABC” акциядорлик жамияти айланма активларини қисқа муддатли мажбуриятлардан ортиқчалиги йил бошида 35773448 минг сўмни ташкил қилган. Йил охирига келиб етишмаслик айланма активларни етишмаслиги 18147592 минг сўмдан иборат бўлган. Соф айланма активнинг мулоқ суммада динамик тарзида ўзгариши ликвидлик даражани ҳам ўзгаришига олиб келади. Бу кўрсаткич жорий мажбуриятларни қопланишдан сўнг ҳосил бўлган ортиқча миқдорни ифодалайди. Демак, бу кўрсаткични ўсиши корхона ликвидлигини барқарорланишини ифодалайди. Лекин таҳлил объектида мазкур кўрсаткични 17626396 минг сўмга пасайганлигини кўришишимиз мумкин.

Корхона иқтисодий салоҳияти таркибида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг бир сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда айланма маблағлардан самарали фойдаланишга баҳо бериш уларни иқтисодий салоҳият таҳлилининг асосий босқичларидан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона раҳбари, таҳлилчилар ва аудиторларнинг эътибор марказида бўлиши лозим. Шуларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда кейинги пайтларда аудит ва молиявий таҳлилни ривожлантириш бўйича керакли

тадбирлар амалга оширилмоқда[1,2,3,4]. Зеро, хўжалик субъектлари иқтисодий салоҳиятини айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари таҳлилида корхонанинг айланма маблағларини қоплашга ўз маблағлари етарли ёки етишмаслиги ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич айниқса корхонанинг молиявий мустақиллиги, барқарорлиги, кредит олишга лаёқатлигини аниқлашда аҳамиятли ҳисобланади. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики «ABC» акционерлик жамияти ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси билан етарли таъминланмаган. Бу эса ўз навбатида корхонанинг иқтисодий салоҳияти даражасига салбий таъсир кўрсатади. Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда айланма маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича имкониятлар миқдори аниқланди, қуйидаги керакли амалий тавсиялар берилди: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш; маҳсулотни етказиб бериш ва харид қилиш шартномаларини ўз вақтида, тўғри тузиш; ҳисоб-китоб тўлов ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш; маҳсулот етказиб берувчилар ва харидор корхоналарининг молиявий аҳволини ўрганиш; корхонанинг молиявий аҳволини ўз вақтида таҳлил қилиш. Мазкур тавсияларни корхонанинг амалий фаолиятида қўлланиши молиявий ҳолатига аниқ ташхис қўйиш, самарадорликни ошириш, иқтисодий салоҳиятини кўтариш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори. 2020 йил 24 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарори. 2018 йил 19 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1013-сон қарори. 2018 йил 14 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сон қарори. 2015 йил 28 июль.
5. Тожибоева Ш.А. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолати таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2019.
6. Донцова Л.В., Никифорова Н.А. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности. Практикум. –М.: Дело и сервис, 2018.
7. Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. –Т.: Sano-standart, 2017.
8. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Print line group. 2017.
9. Басовский Л.Е. Басовская Е.Н. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. Учебное пособие. –М.: Инфра-М, 2014.
10. Шоғиёсов Т. Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик -Т.: Фан ва технология, 2012.
11. Tadjibayeva Sh., Xamidova S. Main Aspect of the Analysis of Business Activity in The Conditions of Economic Development. International Journal of Research in Management & Business Studies, Vol. 8 Issue 10. India. 2019.

## ЎЗБЕКИСТОНДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОСЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Ибрагимова Ирода Рашид қизи**  
Тошкент давлат иқтисодиёт универститети  
докторанти

**Аннотация:** Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимини шакллантириш босқичлари ва уларни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни кетма-кетлиги жараёнлари ўз ифодасини топган, шунингдек, ушбу жараёнларни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** интеграция, халқаро стандарт, ҳисоб тизими, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, ҳисобот, трансформация.

## ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИВЕДЕНИЯ СИСТЕМЫ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В УЗБЕКИСТАНЕ В СООТВЕТСТВИЕ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ

**Ибрагимова Ирода Рашид қизи** -  
докторант Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация:** Отражены этапы формирования системы бухгалтерского учета в Узбекистане и последовательность работ по их адаптации к международным стандартам, а также практические предложения по совершенствованию этих процессов.

**Ключевые слова:** интеграция, международный стандарт, система бухгалтерского учета, международные стандарты финансовой отчетности, отчетность, трансформация.

## PROSPECTS OF ADAPTATION OF ACCOUNTING SYSTEM IN UZBEKISTAN TO INTERNATIONAL ACCOUNTING STANDARDS

**Ibragimova Irada Rashid kizi** -  
doctoral student of the Tashkent State University of Economics

**Annotation:** The stages of the formation of the accounting system in Uzbekistan and the processes of the sequence of work carried out to adapt them to international standards are expressed, as well as the improvement of these processes practical suggestions are given.

**Keywords:** integration, international standard, accounting system, international financial reporting standards, reporting, transformation.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси жараёнида бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимига мос келадиган ҳисоб тизими асосида ташкил этилиши натижасида молиявий ҳисоботларни кўрсаткичлари ва уларни тақдим этиш тизимида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар юзага келди.

Ҳозирда жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда сифат жиҳатидан янги бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тизими шакллантирилиб, унда субъектлар замонавий бухгалтерия ҳисоби операцияларини бажариб келмоқда. Компания ва фирмаларнинг операцияларини бухгалтерия